

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/2025.27.12.1.23.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОХЎЖАЕВ БАХТИЁР НАЗИРХЎЖАЕВИЧ

**ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТЛАР
АССОРТИМЕНТИНИНГ МАРКЕТИНГ БОШҚАРУВИ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.11 – “Маркетинг”

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий маслаҳатчи: и.ф.д., проф. Болтабаев М.Р.

Тошкент шаҳри – 2026 йил

МУНДАРИЖА

Кириш	4
1-боб. ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МАҲСУЛОТЛАР АССОРТИМЕНТИ МАРКЕТИНГ БОШҚАРУВИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	19
1.1. Тўқимачилик корхоналари фаолиятида маҳсулотлар ассортименти маркетинг бошқарувининг назарий-услубий ва амалий жиҳатлари	19
1.2. Тўқимачилик корхоналари фаолиятида маҳсулотлар ассортиментини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари	35
1.3. Тўқимачилик корхоналари фаолиятида маҳсулотлар ассортименти сиёсати бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси.....	49
Биринчи боб бўйича хулоса	53
2-боб. ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МАҲСУЛОТЛАР АССОРТИМЕНТИ МАРКЕТИНГ БОШҚАРУВИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	57
2.1. Тўқимачилик корхоналарининг ассортиментини сиёсатини ишлаб чиқиш ва бошқарув самарадорлигини комплекс баҳолаш услубиёти.....	57
2.2. Тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини оператив бошқаришни таъминлаш механизмлари.....	69
2.3. Тўқимачилик корхоналарида инновацион бошқаришнинг стратегик инструментлари асосида ассортимент сиёсатини шакллантиришнинг методологиясини ишлаб чиқиш	98
Иккинчи боб бўйича хулоса	
3-боб. ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МАҲСУЛОТЛАР АССОРТИМЕНТИ МАРКЕТИНГ БОШҚАРУВИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ	122
3.1. Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик саноати ривожланиши ва маркетинг фаолияти таҳлили.....	122
3.2. Тўқимачилик корхоналарининг маҳсулотлар ассортименти бўйича маркетинг бошқарувининг комплекс тизими таҳлили.....	143
3.3. Тўқимачилик корхоналари маркетинг бўлимларининг ассортимент сиёсати билан боғлиқ фаолияти таҳлили.....	158
Учинчи боб бўйича хулоса	180
4-боб. ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТЛАР АССОРТИМЕНТИНИНГ МАРКЕТИНГ БОШҚАРУВИ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРА- ДОРЛИГИНИ ОШИРИШ.....	182

4.1. Тўқимачилик корхоналарида ассортимент стратегияларини такомиллаштириш	182
4.2. Тўқимачилик корхоналарида маҳсулотлар ассортиментини маркетинг бошқаруви самарадорлигини ошириш йўналишлари	192
4.3. Ўзбекистонда тўқимачилик тармоғининг 2030 йилгача ривожлантиришнинг прогноз сценарийлари.....	208
Тўртинчи боб бўйича хулоса	213
Хулоса	216
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	222

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда жаҳон тўқимачилик саноати кескин ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Бирикувчи факторлар сифатида таъминот занжирларидаги узилишлар, хомашё нархларининг тез-тез ўзгариши (2020–2023 йилларда пахта нархи 38–45% гача кўтарилган) ва глобал рақобатнинг кучайиши қайд этилади. Меҳнат ҳақи нархи юқори бўлган мамлакатлардан ишлаб чиқаришнинг бир қисми 30–35% миқдорда Жануби-Шарқий Осиё ва Шарқий Европага кўчмоқда. Европа Иттифоқида экологик талабларнинг кучайиши туфайли корхоналар “яшил ишлаб чиқариш”га ўтишни жадаллаштирмоқда, бу йўналишга инвестициялар охирги беш йилда 2 баробарга ошган. Рақамли савдо бозори ҳажми эса йилига 15–18% суръатда ўсиб, компаниялардан омниканал маркетинг ва тезкор ассортиментни янгилашни талаб этмоқда. Шу билан бирга, истеъмолчиларнинг “fast fashion”дан воз кечиши ва барқарор маҳсулотларга талабнинг 25–30%га ортиши корхоналарни қайта ишланган толалар, экологик бўёқлар ва халқаро сертификатлаштирилган ишлаб чиқаришга ўтишга мажбур қилмоқда. Буларнинг барчаси саноатни рақамлаштириш, сунъий интеллектдан фойдаланиш ва харажатларни оптималлаштиришни жаҳон тўқимачилигидаги асосий тенденцияга айлантирмоқда.

Жаҳон тўқимачилик саноатида ривожланиш қўшимча қиймати паст бўлган ишлаб чиқариш устунлик қиладиган Хитойдан ишлаб чиқариш харажатлари паст бўлган бошқа иқтисодиётларга, масалан, Ветнам, Ҳиндистон, Бангладеш ва Эфиопияга ўтмоқда. Fitch Solutions маълумотларига кўра, Хитойнинг жаҳон тўқимачилик экспортидаги улуши 2015 ва 2020 йиллар оралиғида 38,3 фоиздан 29,1 фоизга қисқарди. Яқинда АҚШ-Хитой савдо зиддиятлари туфайли кучайган бу тенденция давом этиши кутилмоқда, чунки Хитойда иш ҳақининг ошиши ишлаб чиқариш харажатларини оширади. Тўқимачилик саноати маҳсулот турларини тез-тез ўзгартиради ва шунинг учун иш ҳақи паст бўлган мамлакатларда фабрикалар